O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 14-aprel ● Payshanba ● 48 (27.383) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎзХДП ҳаёти

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

2005 йил 12 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда қонунлар лойиҳасининг муқобил вариантларини яратиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар ишлаб чиқиб, Қонунчилик палатасига киритадиган ишчи гуруҳларини тузиш масаласи кўрилди.

Партиянинг Сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроқўми ҳайъати ва партия фракцияси ана шу масала юзасидан қўшма қарор қабул қилди. Унга кўра, партия фракциясининг: аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, коммунал хизматлар тарифларини тартибга солиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аграр соҳалар ва оммавий ахборот воситалари фаолияти, миграция, меҳнат кодекси, сиёсий партияларга оид қонунларни такомиллаштириш билан шуғулланувчи бир қатор ишчи гуруҳлари тузилди.

Ишчи гуруҳлари таркибига ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Экспертлар гуруҳининг аъзолари, олимлар, мутахассислар, партия фаоллари, манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилди. Улар иштирокида қонунлар лойиҳалари муҳокамалари бўйича йиғилишлар, «давра суҳбатлари» ўтказиб турилади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

✧✧✧

Суратларда: фракция ишидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса — бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 13 апрель

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг III пленуми янгиланиш жараёнларига ҳозиржавоблик руҳида ўтди. Вилоят партия кенгаши котиби Одинахон Мадаминованинг маърузасида ижобий ишларнинг эътирофи билан бирга танқидий-таҳлилий мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Қаердаки партия ташкилотининг фаоллари сидқидилдан, масъулият билан ҳаракат қилса, шу жойда унинг нуфузи, унга кўпчиликнинг ишончи ортади. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлган сайловлар якунида ҳам кўринди. ЎзХДПнинг кўплаб фаоллари сайловчилар эътиборини қозондилар. Шу билан бир қаторда сайловлар чоғида баъзи партия ташкилотларининг етарли даражада ишламаганликлари, сусткашликка йўл қўйганликлари сезилди. Буни тўғри баҳолай билиш, тўғри хулоса чиқариш кейинги ишларнинг натижасига ижобий таъсир кўрсатади.

Пленумда сўзга чиққан ЎзХДП Асака шаҳар, Андижон, Избоскан, Марҳамат туман кенгашлари биринчи котиблари М.Дадажонов, М.Холдоров, Қ.Хўжаева, А.Абдужабборовлар янгиланиш жараёнини изчил давом эттириш тўғрисида таклифларини айтдилар.

Айниқса, ЎзХДПнинг сўл позициясини оммага етказиш ва тушунтиришда халқчил усул ҳамда тажрибалардан фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди. Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Усмонов иштирок этди ва партия ташкилотлари, фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Набижон Маъмуров Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси, Одинахон Мадаминова, Назиржон Саидов раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида икки палатали тизимда иш бошлаган республикамизнинг янги парламенти фаолияти ва Президентимизнинг палаталар қўшма мажлисида қилган маърузасининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир ўтказилди. Бу ҳақда йиғилганларга Қарши давлат университети профессори О.Эргашев, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси О.Равшанов гапириб бердилар.

ЎзХДП Кўқон шаҳар кенгаши қошида фаолият юритаётган «Сиёсат» баҳс-мунозара клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Клуб аъзолари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири)ни ўрганиш, уни жойларда ёшларга тушунтириш ҳақида фикрлашдилар. Унда иштирок этган ЎзХДПдан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари О.Дўсматова, Ш.Қодирова, С.Аҳмедова ва бошқалар партиямиз Сайловолди Платформаси ва ўзларининг фаолияти тўғрисида гапириб бердилар.

ЎзХДП Миробод туман кенгаши 214-мактабда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти» мавзуида учрашув ўтказди.

ЎзХДП Урганч туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ бўлими билан ҳамкорликда шу ердаги марказий шифохонада «Ҳар бир она, ҳар бир болани эътиборсиз қолдирмаймиз» шиори остида «давра суҳбати»ни ўтказди. Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган тадбирда шифокорлар, партия фаоллари, ёшлар иштирок этиб, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида тарбиявий ва маънавий ишларни янада яхшилаш масалаларида фикрлашдилар.

ЎзХДП Хонқа туман кенгаши ҳам ана шу масалаларга бағишлаб, 48-сон ал-Хоразмий номли иқтидорли болалар лицей-интернатида «Маънавият, маърифат ва саломатлик куни»ни ўтказди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги 3-сон шифохонада Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган «давра суҳбати» ўтказилди. Иштирокчилар «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш, унда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки ҳақида суҳбатлашдилар. Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига партия билетлари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

СОҒЛОМ ТАФАККУР — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан бошланган «Соғлом тафаккур соғлом келажак демакдир» деб номланган тадбирлар давом эттирилмоқда.

Навбатдаги тадбир Сирғали политехника касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда туман ҳудудидаги коллежлар талабалари, «Иттифоқ», «Нилуфар», «Наврўз» маҳаллалари фаоллари, ички ишлар, ФҲДЁ идоралари, тиббиёт ходимлари иштирокида очиқ мулоқотлар бўлиб ўтди. Мутахассислар уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар, фикр-мулоҳазаларини тингладилар.

ЎзХДП Сирғали туман кенгаши қошидаги «Ҳаёт мактаби» ёшлар клуби аъзолари, маҳаллалар фаоллари, Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ҳарбий хизматчилар ва офицерлар иштирок этган мазкур тадбир Темурийлар тарихи давлат музейида давом этди. Соҳибқирон бобомизнинг ҳаётий ўгитлари хусусидаги суҳбатлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулноза Сатторова иштирок этди ва партиянинг ёшларга оид сиёсати ҳақида сўзлаб берди.

(Ўз мухбиримиз)

Муносабат

❗ ҚАДР — ҚУЁШ, ХОТИРА — ЗАМИН...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб кўнгилдан ўтган мулоҳазалар

Хотира ва Қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

Ўтаётган йиллар инсоният ўз бошидан кечирган улуғ, нурли лаҳзалар билан бир қаторда алам ва изтироблар ила эсланадиган уруш даҳшатлари ҳақида яна бир бора тўғри хулосалар чиқаришга, балоофатларнинг олдини олишимизга имконият беради. XX аср нафақат ўзининг буюк кашфиётлари балки Иккинчи жаҳон уруши ва унинг сабоқлари, йўқотишлар, изтироблар, фашизм балосининг пайдо бўлиши ва тугатилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дунё халқларининг фашизм устидан қозонган ғалабаси, мана орадан 60 йил ўтган бўлса ҳам урушлар, улар келтирган оғир оқибатлар, айриликлар ҳақида жаҳон халқларини ўйлашга ундайверади.

Уруш олови гарчи узоқларда ёнган бўлса-да, бомбалар портлаши, ярадорлар оҳ-ноласи қулоғимизга эшитилмаса-да, уруш қайғуси кириб бормаган бирор ўзбек хонадони, унинг ғамга ботирилган қалами чизиқ тортмаган бирор тақдир қолмаган эди. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан салкам бир ярим миллион жасур, мард ўғлонлар иштирок этдилар. Уларнинг қанчадан-қанчаси Ватандан узоқда, бегона юрт тупроқларида қолиб кетдилар. 450 мингдан ортиқ ватандошларимизнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлиши бу уруш ва унинг мудҳиш оқибатлари ҳақидаги ҳақиқатдир. Бундан ташқари, олти юз мингдан ортиқ ҳамюртларимиз фашистлар билан бўлиб ўтган қақшатқич жанглардан ногирон бўлиб қайтдилар.

Уруш манзаралари фақат бугина эмас, бутун ўзбек халқи фронт ортини мустаҳкамлаш, жангчиларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш бўлаётган шаҳарлардан эвакуация қилинганларни ўз бағрига олиш, фронт майдонига айланган манзилларидан кўчириб келтирилган завод-фабрикаларда 24 соатлаб ишлаш машаққатлари билан юзма-юз келдилар. Республикада халқ хўжалигининг барча юмушлари кексалар, хотин-қизлар ва болалар зиммасида эди. Таъбир жоиз бўлса, кечаю-кундуз станок олдида оч-наҳор ишлаган аёлни, болалиги, мактаб ўқувчиси эканлиги ёдидан кўтарилган, очликдан мадори қуриган, ҳаётнинг ўзи эрта улғайтирган уруш болиондан зиёд аёллар, кексалар ва етим болаларнинг иккинчи ватанига айланди. Оғир шароит бўлишига қарамасдан халқимиз ўзи емаса-да, топган-тутганини уруш жабрдийдалари қўлига тутқазди. Уларга уйининг, қалбининг тўридан жой берди. Ҳар куни ўнлаб эшелонлар Ўзбекистонга минглаб одамларни келтирар, ўзбекка хос бўлган қудрат, самимият, эъзоз, бардош етаклаб чиққан одамлар поезд вокзалларида уларни кутиб олишга навбатда турар эди. Ушбу манзарани Ўзбекистон халқ шоири Асқад Мухтор «Навбат» деган шеърида шундай тасвирлайди: *«Қора совуқ. Тошкент вокзалига ис босган поездлар келади. Шаҳар ўзи буюк мусофир, елкасида қопи, челаги... кўчаларда илон изи навбат, нонга, керосинга, ўтинга... Шундай навбатлардан бирида бир тонг Лутфихон аяни учратиб қолдим...*

— Нимага турибсиз, Лутфия хола! — Бўлса олмоқчиман... бир ўғил бола. Бир нима кутгандай, кўкка кўз солди, кипригига тушган — қор эди... Уруш йилларининг навбатлари ичра, ҳа шундай навбат ҳам бор эди».



Беш йил давом этган Иккинчи жаҳон уруши ва унинг инсониятга етказган уқубатлари ҳақида юзлаб, минглаб қоғозларни қоралаш мумкин. Бундан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса тинчликнинг қадрига етиш, уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган қора кучларга қарши биргаликда курашиш, ёвузликни таг-томири билан йўқотишдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенгаштирилган барча юртдошларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, **«Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади».**

Ушбу сўзларнинг ижобати бўлиб 1999 йилнинг 2 мартида **«9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқарилди. Худди шу йили 9 майда мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Майдондаги мангулик китобида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин юртдошларимизнинг номлари абадий муҳрланди. Мана, олти йилдирки, боболаримиз мангу жасорати оналаримиз сабр-бардоши янглиғ бу муҳташам майдон қад ростлаб турибди. Хотира хиёбони авлодларга аждодларимиз мардлиги, фидойилиги, садоқати ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу эзгу амалларнинг дебочаси сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлган 34 жилддан иборат «Хотира» китоби нашр этилди.

Уруш, у келтирган ғам, қайғу орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон инсониятни огоҳликка чақириш, уруш даҳшатларини англатишда муҳим бўлиб қолаверади. Шундан бўлса керак, уруш қатнашчилари ва фронт ортида фашизм билан олишган минглаб ҳамюртларимиз мустақиллик йилларида «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари билан тақдирландилар. Уларни инсоният олдидаги улкан хизматлари ҳамиша эътирофга, эътиборга сазовордир.

Шу кунларда бутун дунё ҳамжамияти қаторида ўзбек халқи ҳам Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиши мустақиллик берган қадр-қиммат, эъзоз туйғуларининг узвий давомидир.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари, жумладан, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Умуман олиб қараганда, истиқлол туфайли Хотира ва Қадрлаш тушунчалари янги мазмун-моҳият касб этди. Гарчи орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳамон уруш даҳшатлари ҳар биримизни мушоҳада қилишга Тинчлик, Озодлик ва ҳалол меҳнат эвазига келган бир бурда Нон қадрини англашга ундайди. Юртбошимиз ўз нутқларидан бирида **«Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади»** деган эдилар.

Дарҳақиқат, **«тарих — ҳақиқат чироғидир»**, у ҳамиша қалбларимизни ёритади, авлодларга тўғри йўл кўрсатади. Ўтмишдан хулоса чиқаришга ўргатади. Аслида ҳам **Қадр қуёш янглиғ қалбимизга нур олиб кирса, Хотира Она замин мисоли боқий сўздир.**

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Огоҳлик — давр талаби

ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

(БИРИНЧИ МАҚОЛА)

Терроризмга қарши кураш кейинги йилларда, айниқса, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг анча кучайди. Шундай бўлса-да, унинг ижтимоий-психологик, маънавий-сиёсий, информацион, геосиёсий ҳамда ҳуқуқий хавфсизликка таҳдиди йўқолмаяпти. Ҳатто айтиш мумкинки, терроризм таҳдиди дунё миқёсида тарқалиб, глобал ҳодисага айланиб қолмоқда. Биз ҳозирги даврда аксилтеррорчи коалиция террорчилик коалициясига қарши курашаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Юртбошимиз **«Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда»** деб бор гапни очиқчасига айтди.

Кўплаб эскпертларнинг фикрига кўра, «Ал-Қоида» номи остида фақат бир ташкилот эмас, балки кўплаб бошқа террорчи гуруҳлар, экстремистик ташкилотлар ва шахслар бирлашиб ҳаракат қилаётир. Маълумки, Афғонистонда ҳарбий операция бошлангунига қадар «Ал-Қоида», «Толибон» каби бир қатор исломий гуруҳлар 130000 нафар жангари тайёрлаган эди.

Марказий Осиё мамлакатлари илк бор диний экстремистик ғояларнинг тарқалиши хавфига 1980 йилларнинг охирида дуч келди. 1990 йилларнинг бошида собиқ совет давлати йўқ бўлгандан сўнг ҳокимият ва мафкура бўшлиғи шароитида бу муаммо кенгроқ кўламда тус олди.

Айрим ташқи кучлар ва давлатлар ислом динидан асосий мафкуравий ва сиёсий кураш воситаси сифатида фойдаланмоқда. Дунё бўйича минглаб диний мактаблар — мадрасалар улар томонидан «жиҳод» мактабларига айлантирилган. Айрим маълумотларга кўра, сўнгги 20 йил давомида 15-20 мингтадан ортиқ бундай мадрасада 4 миллион ёшлар тайёргарликдан ўтган.

Бундан 5-10 йил бурун Афғонистон, Саудия Арабистони, Эрон каби давлатлардаги айрим доиралар бизнинг минтақамизда, хусусан, Ўзбекистонда халқимизга ёт бўлган реакцион ғоялар ва оқимларни тарқатишга ҳаракат қилган эди. Бу ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз ҳудудида «Ваҳҳобийлар», «Тавба», «Адолат», «Ўзбекистон Ислом Ҳаракати», «Акромийлар», «Таблиғ», «Аҳмадия», «Нурчилар», «Ҳизбут-таҳрир» каби ташкилотлар пайдо бўлди. Уларнинг мақсади одамлар онгини заҳарлашдан, куч ишлатиб бузғунчилик, тўнтаришлар қилишдан иборат эди.

Кейинги йилларда диний-экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда иштирокчилари зарарсизлантирилди. Уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди. Бироқ уларнинг бир қисми Ўзбекистондан ташқарига қочиб, ўз фаолиятини бошқа давлатлар ҳудудида давом эттирмоқда. Айримлари эса яширин равишда Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ҳудудида ўзининг бузғунчи мафкуравий ҳаракатларини олиб бормоқда.

2004 йил март-апрель ойларида Тошкент ва Бухорода ҳамда июль ойида Тошкентда террорчилик акциялари уюштирилди. Тергов маълумотларига кўра, террорчиларнинг ҳаракатлари Яқин Шарқдаги террорчи гуруҳларга хос бўлган хусусиятларга эга эди. Масалан, аёлларни «шаҳид»ликка жалб этиш, ўта кескин мақсадлар қўйиш, тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлишидан воз кечмаслик...

Июль ойидаги воқеалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга қарши ҳуруж қилган террорчилар қўшни Қозоғистонда тайёргарлик кўришган. Демак, Марказий Осиёдаги терроризм таҳдиди чинакам минтақавий таҳдид эканлиги билан яна бир бор яққол кўзга ташланди. Бу воқеалар 1999-2000 йиллар воқеалари сингари терроризмга қарши курашни Марказий Осиё давлатлари биргаликда олиб бориши зарурлигини кўрсатади.

Терроризмга қарши курашда Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлик қилиши учун ҳуқуқий асос яратилган. 2000 йил 21 апрелда Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида «Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича умумий чоралар тўғрисида» битим имзоланди. Бу ҳужжат ва минтақа мамлакатлари орасида имзоланган бошқа муҳим шартномалар минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган жараёнларга ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

Минтақамизда «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик ташкилоти фаолиятига ҳали тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Бу ташкилот ўз олдига дунё бўйича «Халифат» қуришдек хомхаёл мақсадни вазифа қилиб қўйган. Уларнинг мафкурасига кўра, демократия ва ислом дини бир-бирига зид эмиш. Улар ўз ҳаракатларини «жиҳод» деб номлаб, аслида эса жиноий ва қўпорувчилик ишларини олиб борган гуруҳларни оқлашга интилишади. Бу ташкилотнинг бўғинлари бир қатор давлатларда мавжуд, лекин уларнинг фаолияти кўплаб давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда тақиқланган.

Хўш, нима учун «Ҳизбут-таҳрир» ва унга ўхшаш ташкилотлар «Халифат»ни араб дунёсида ёки ислом дини кенг тарқалган бошқа жойларда барпо этишга интилмади? Ахир у ерларда диний ижтимоий онгнинг эволюцияси узилиб қолмаганку. Нима учун энди айнан Марказий Осиёда «Халифат» деб номланган сиёсий ва ижтимоий тузим ўрнатилиши керак бўлди? Жавоб маълум: уларнинг мақсади-муддаосида аслида ҳеч қандай «Халифат» эмас, балки ғайри исломий тартибот кўзда тутилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг диний эркинликлар қонун орқали кафолатланди. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ диний эркинликлар кафолатланишининг далили сифатида бир мисол келтирсак. Собиқ шўро тузуми пайтида ҳамюртларимиздан йилига атиги 50 нафарга яқин одам ҳаж зиёратига бориш имконига эга бўлган. Эндиликда уларнинг сони 3500-4000 нафарни ташкил этади. Минглаб одамларимиз исломнинг 5 фарзини бажариб, эмин-эркин ҳаёт кечирмоқда. Ислом дини дин сифатида араб дунёсида пайдо бўлган бўлса-да, у илм-фан сифатида айнан бизнинг ўлкамизда кенг ривожланган. Президентимиз ибораси билан айтганда, ислом қалбимизда, дилимизда сақланиб келган.

Афсуски, ислом дини айрим бузғунчи кучлар қўлида мафкуравий қуролга ва ниқобга айлантирилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«...биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва иғвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «Ал-Қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади».**

Ҳа, уларнинг ҳаракатлари нафақат миллий хавфсизлигимизга, балки динимизга ҳам таҳдид солишга қаратилган. Айтиш мумкинки, бугунги кунда мафкура майдонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Бугун жаҳонда мафкуравий кураш авж олмоқда. Шу нуқтаи назардан, терроризм ва диний экстремизм янада чуқур ўрганилиши керак. Лекин таассуф билан таъкидлаш керакки, бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг терроризм табиати, терроризм таҳдидининг сабаблари бўйича ягона умумий қараши мавжуд эмас. Яқин ўтмишгача жаҳон ҳамжамияти фақат терроризмнинг кўриниши, яъни террорчи хуружлар, уларнинг оқибатлари билан шуғулланган, аммо уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий шароитлари ва мафкуравий жиҳатларига етарли эътибор қаратмаган. Айримлар терроризм ҳодисасини қолоқ мамлакатлар ва у ердаги қашшоқлик билан боғлайди. Бошқалар эса Ислом динининг хусусияти деб ўйлайди. Кимгадир бу цивилизациялар тўқнашувининг биринчи кўринишидек туюлади. Кимдир бу носоғлом руҳий ҳолатдаги айрим кимсаларнинг ёки диний секталарнинг иши деб ўйлайди. Яна бир гуруҳ одамлар эса уни озодлик учун кураш олиб бориш услубига тенглаштиради. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, терроризм жуда мураккаб ҳодиса ва уни чуқур ўрганиш лозим.

Хусусан, терроризмнинг молия манбаларини аниқлаш ва уларни йўқ қилиш масаласи жуда муҳим ва долзарбдир. Терроризм ҳодисаси чуқур ўрганилмаса, унга қарши кураш ярим чоралар билангина чекланиб қолаверади.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
сиёсий фанлар номзоди

Долзарб мавзу

КУЧЛИ ТАЛАБ ВА РАҚОБАТ —

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҚАРРАР ШАРТИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очилиб, улар манфаатларини муҳофаза қилувчи қатор қонунлар, Президенимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари қабул қилинди, турли кўринишда имтиёзлар, енгилликлар берилди. Натижада, сўнгги йилларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар кўпайди. Уларнинг кўплиги, табиийки, ўзаро рақобатни ҳам кучайтирди. Хусусан, бу ҳол транспорт, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари тизимида яққол кўринмоқда.

— Лекин бу борада, — деб таъкидлади **Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш далат қўмитаси раиси Жамшид Сайфиддинов** шу йил 5 апрель куни «Тадбиркорликнинг ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратиш — устувор мақсадимиз!» мавзуида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда, — бугунги кунда ҳамон ўз ечимини топмаётган муаммо ва тўсиқлар бор. Бир томондан тадбиркорлик фаолиятига жойларда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органларининг асоссиз аралашувлари ва чекловлари сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан баъзи қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам борки, улар ўз фаолиятларини қонун доирасида амалга оширяптилар, деб бўлмайди...

Раис сўзларини ўшанда тинглаб ўтириб, Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг (шу йил, 28 январь) қўшма мажлисида қилган дастурий маърузасини эсладик. Маърузада мамлакатимиз иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилиб, хусусан, тадбиркорликнинг ривожланишидаги мавжуд суғъий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларини чеклаш, тармоқ тараққиёти учун янада қулай иқтисодий шарт-шароитларни яратиб бериш, 2007 йилгача хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини 45 фоизгача етказиш зарурияти ҳам таъкидлаб ўтилганди.

Дарвоқе, шундан сўнг қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда бўлинмаларида махсус тадбирлар белгиланди. Тадбиркорлик субъектларининг муайян товар бозорларига кириб боришлари ва ривожланишлари учун истиқболли соҳалар аниқланди. Табиий монополиялар — нефтьгаз, энергетика, алоқа, темир йўл (юк ва йўловчи ташиш), коммунал хўжалик соҳаларида таркибий ислоҳотларни давом эттириш чоралари кучайтирилди. Уларга, айниқса, кичик ва хусусий бизнес субъектларини жалб қилиш режалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорларга ва тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаётган ишбилармонларга ҳозирги монополлашган бозорлар — қурилиш маҳсулотлари, кимё, машинасозлик, донни қайта ишлаш, автомобилсозлик, ёғ-мой-тамаки, мева-сабзавот ва узум саноатлари, стандартлаш, метрология ва сертификатлаш соҳалари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш, пилла ва ипакчилик тармоқлари, автомобиль йўллари каби тизимларга кириб келишлари тавсия қилинди.

Минтақавий дастурларда ўз аксини топган мазкур йўналишларда республика товар бозорлари бўйлаб ўтказилган таҳлиллар натижасида шу йилнинг январь-февраль ойлари давомидаёқ товар бозорларида 20 та маҳсулот (хизмат) тури юзасидан устунлик мавқеини йўқотган 30 та корхона ва ташкилот монополист корхоналар давлат реестридан чиқарилди. Маҳаллий давлат ҳокимиятлари томонидан 2004 йилда қабул қилинган қарор ва фармойишлардан 575 таси монополияга қарши қонунчилик талабларига зид бўлганлиги аниқланди.

Биргина хизмат кўрсатиш соҳасида айрим ташкилотлар томонидан хизмат турларини кўрсатишда содир этилаётган (қўмита маълумотномасидан олинган) иккита мисолга эътибор беринг:

◆ **«Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Зарафшон» хусусий корхонаси «Нарпай газ» ҳудудий газ таъминоти корхонаси шартномадаги олдиндан пул ўтказиш тўғрисидаги шартлари тўлиқ бажариб келинишига қарамасдан 2005 йил 15 март куни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз табиий газ беришни тўхтатиб қўйганлиги, газ ўчирилган пайтда ғишт пишириш печкасида пиширилаётган 96 минг дона ғишт яроқсиз ҳолатга келиб, бундан корхона моддий зарар кўрганлиги тўғрисида Қўмитага мурожаат қилди. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаси билан «Зарафшон» хусусий корхонасига 18 мартдан бошлаб табиий газ етказиб берилиши таъминланди».**

◆ **«Тошкент шаҳридаги «Рисолатбегим» хусусий корхонаси раҳбарининг ижара шартномаси тузилганига қарамай Юнусобод савдо мажмуаси томонидан савдо учун дўкон берилмаётганлиги тўғрисидаги мурожаати Қўмита аралашувидан сўнг тадбиркор фойдасига ижобий ҳал қилиб берилди».**

Ўз навбатида, шуни ҳам айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг, хусусан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларга потенциал истеъмолчиларни жалб қилишнинг муҳим ва энг самарали воситаларидан бири — бу рекламадир.

Бугунги кунда, **реклама** республика иқтисодиётининг энг ёш тармоқларидан бири бўлиб, кунлик ҳаётимизга маҳсулотлар кириб келиши, бозор иқтисодиёти ва рақобатни ривожлантириш жараёнидаги асосий воситалардан бирига айланмоқда.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналарни реклама солиғидан озод қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан Молия вазирлигига таклифлар киритди. Шунга асосан, реклама берувчи корхона ва ташкилотлар 15 фоиз миқдорида тўланадиган реклама солиғидан озод этилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли қарорига асосан 2003 йил 1 январидан 2007 йил 31 декабргача корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига кетган харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланиши кўрсатиб ўтилган.

Бироқ яратилаётган шароит ва имкониятларга қарамасдан маҳаллий реклама саноатининг ривожланишида ҳам қатор камчилик ва етишмовчиликлар бор. Масалан, корхона ва ташкилотларга бу борада кенг имкониятлар берилганлигига қарамай, маҳсулот ва хизматларини реклама қилиш орқали кенг оммага етказиш ишларига ҳамда реклама бюджетига ҳануз етарли даражада эътибор берилаётгани йўқ.

Тадбиркорларга янаям қулайлик яратиш мақсадида, Қўмита томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларига қўлланиладиган молиявий ва маъмурий жазоларни қайта кўриб чиқиб, ҳукуматга киритиш устида иш олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, кичик ва хусусий бизнес субъектларига қасддан содир этилмаган ва унча катта бўлмаган қоидабузарлик ҳолатлари юзасидан қўлланиладиган молиявий жазоларни камайтириш мақсадида жарималарни қонун бузилиш ҳолатининг оғирлик даражасига қараб белгилаш (дифференциялаш)га алоҳида эътибор қаратилган.

Аммо, шуни ҳам айтиш жоизки, бугунги кунда кичик ва хусусий бизнес субъектларининг ривожланиши учун ҳар томонлама рақобат шароитларини яратиш ишлари истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ва поймол қилиниши эвазига амалга оширилмаслиги, рақобат ҳалол, мардона бўлиши таъминланиши керак, албатта. Чунки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидланганидек, **«Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат — иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЯНГИ ЛИНИЯ ЎРНАТИЛМОҚДА

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти қошида фаолият юритаётган «Алэст Гласс» корхонаси шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда икки юз нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили корхона 200 миллион сўм фойда кўрди.

Ҳозирги кунда корхона Германиянинг 5 миллион 481 минг евродан ортиқ инвестицияси асосида замонавий технологиялар ўрнатиш ишларини олиб бормоқда. Айни пайтда бешта линияда 120 миллион дона шиша маҳсулотлари тайёрланса, ўрнатилаётган янги иккита линияда 240 миллион дона шиша идишлари ишлаб чиқариш имкони бўлади. Шунингдек, маҳсулотнинг сифати ҳам ортади.

✧✧✧

Суратда: (чапдан) «Кварц» акциядорлик жамияти бош муҳандиси Алберт Ли корхона раҳбари Шариф Турғунов ҳамда мутахассис Аваз Умаров билан янги линия хусусида суҳбатлашмоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ПАРВАРИШЛАШГА КИРИШИЛДИ

Сурхондарёлик пиллакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб ипак қурти парваришига киришди. Тайёрлов идоралари мутахассислари 21,5 минг қути ипак қурти уруғини оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликларига шартнома асосида тарқатишни бошлади.

Мутахассислар фикрича, мавсумда ипак қурти озуқаси — тут барги мўл бўлади. Пиллакорларга етиштириладиган ҳосилнинг 30 фоиз пули олдиндан тўланмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ЮРТНИНГ БУЮК БАХТИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 12 йиллиги нишонланди

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида (1992 йил 8 декабрь) Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Воҳа халқи тарихида биринчи марта Ўзбекистон Конституциясининг XVII боби, 71-моддасида **Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга** деб ёзиб қўйилди. Шу қутлуғ кундан эътиборан воҳада конституцияни ишлаб чиқувчи комиссия иш бошлади.

Қорақалпоғистон Конституцияси шундай сўзлар билан бошланади: «Қорақалпоғистон давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Қорақалпоғистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади». Бу Қорақалпоғистондаги барча халқларнинг энди демократик-ҳуқуқий жамият қуришга азму-қарор қилганлиги ифодаси эди.

Юртимизда буюк бир бахт бор. Бу — бирлик, биродарлик, дўстлик ва элимиз сўзи билан айтганда, оғизбирчилик. Қорақалпоғистонда қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари қадим-қадимдан бирга яшаб келмоқдалар. Ўзбек, қозоқ, туркман, рус тилида таълим берадиган мактаблар ишлаб турибди. Ёшларнинг билим олишлари, меҳнат қилишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Барча миллат вакилларидан фан номзодлари ва докторлар етишиб чиқмоқда. Шунингдек, улар адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда ўз истеъдодларини юзага чиқариш имкониятларига эга.

Халқимизнинг она юртга меҳри унинг ўз ватани ва давлати олдидаги бурчини ҳам мустаҳкамлайди. Халқ кўнглининг бу ифодаси Конституциянинг 50-моддасида шундай баён қилинган: «Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасини ҳимоя қилиш — Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бирчидир».

Биз Конституцияни бахт асоси, ҳаёт қомуси деб айтамиз. Негаки, ҳар бир фуқаронинг эркин яшаш, фаровон турмуш кечириш, ёш авлоднинг билим олиш сингари ҳуқуқлари Конституцияда кафолатлаб берилган. Уни ўрганиш, тарғиб қилиш , унда белгиланган қоидаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш юртни фаровон, халқни бахтли қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАЛИКОБОД МИРИШКОРЛАРИ

ёхуд саҳро бағрида чаман яратаётганлар ҳақида

Тарихий Кармана, қолаверса, қадимги Ҳазорани заҳматкаш, фидойи инсонлари ҳақида гап кетса, марҳум Исмоил Мавлонов ҳам тилга олинади. Бу инсон бутун умрини деҳқончиликка, чорвачиликка бахшида этган. Айниқса, Маликчўл даштларида сурув ортидан кезиб қилган хизматлари Исмоил отани элга танитди. «От изини той босар», деганларидек, тўнғич ўғли Раҳим ҳам унинг изидан борди. Деҳқончилигу, чорвачиликка меҳр қўйди. Йиллар ўтиб, чўлқуварликда зуваласи қотган Раҳимни бошқарув раиси этиб сайлашди. Орадан 6 йил ўтди. Бу даврда ширкат хўжалиги вилоятда иқтисоди юксалган, пешқадамлар қаторига чиқиб олди.

1991 йил бошларида чўлга отланди. Енг шимариб, Маликчўл саҳросидан ер очди. 100-150 гектарлаб қўриқни ўзлаштирди. Сувсизлик, қурғоқчилик боис, биринчи йили саҳродан атиги 16-18 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, 1992-1993 йилларга келиб, пахта ҳосилдорлиги ўртача 20-22 центнерга етди, экин майдони 180 гектарга яқинлашди... 1995 йилда Маликчўлдаги «Маликобод» фермер хўжалигининг жами ўзлаштирган ери 191 гектарга етди. Ҳосилдорлик эса чўл шароити бўлса-да, 28-30 центнер...

Афсуски, 1996 йил декабрида бешафқат ўлим Маликчўл қалдирғочи, фермерчилик ҳаракатини бошлаб берган Раҳим Исмоиловни орамиздан олиб кетди. Ўша кезларда унинг ўғли Муҳаммадали 23 ёшда бўлиб, Андижонда, қишлоқ хўжалик коллежида таҳсил олаётган эди. У ўқишини сиртқига айлантирди-ю, «Маликобод» фермер хўжалигига йўл олди.

— Раҳматли Раҳим Исмоилов дунёдан ўтгач, айримлар энди «Маликобод» фермер хўжалиги тарқайди, у эккан мевазор ва узумзорлар қурийди, дея «башорат» қилишганди, — дейди Кармана тумани ҳокими Чинпўлат Қаноатов. — Муҳаммадали айнан отаси ишларини давом эттирди. У сингари ерга — ер, элга — эл қўшди. Экин майдонларини кенгайтириб ҳосилдорликни йилдан-йилга оширди.

Хўжаликдаги анъанавий одатга кўра, фермер хўжалиги соф фойдадан бир кишига енгил автомашина олиб беради. Масалан, 2004 йил якуни бўйича энг яхши механизатор Турсун Ҳакимовга «Тико» машинаси совға қилинди. Ахир, меҳнатга яраша рағбат бўлгач, ким даштга бормайди, чўлда чиниқмайди дейсиз?

Фермер хўжалигида (айни кезда фермер хўжалигига Раҳим Исмоилов номи берилган) ҳар бир ишчининг турдош тўрт-бешта ҳунари бор. Улар сувчи бўлиш, ғўзани чилпиш, чопиқ-ўтоқ қилиш билан бирга мавжуд агрегатларни бошқаришади. Кези келса шу ишчилар узум узиш, мева териш, чорвачилик, паррандачилик билан ҳам шуғулланавершади. Шундан бўлса керак, 2000 йилда умумий даромад 41 миллион сўмга етган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 162 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг 20 миллион сўми соф фойдадир. 2004 йилда ҳам маликчўллик фермерлар 114 тонна ғалла, 541 тонна пахта, 15 тонна сут, 3 тонна узум, яна шунча ўрик, олма етиштириб шартномавий режаларини тўла уддалашди.

Энг эътиборлиси, Муҳаммадали ўзи ўқиган Ҳазорадаги Ал-Хоразмий номли ўрта мактабга ҳар йили 3 миллион сўм маблағ ўтказиб бераяпти.

Хуллас, ҳали Муҳаммадалининг орзу-ниятлари бир талай. У отаси — Раҳимжон ака қилиб улгурмаган ишларни адо этиш пайида... Ўзига хос тиришқоқ, тадбиркор йигитдан жамоадошларининг умиди катта. Уни бундан ҳам ёруғ манзиллар кутаяпти...

Шу кунларда жамоадошлари билан 2005 йилга мўлжалланган режаларни бажариш учун меҳнат қилмоқда. Далаларда экин-текин ишлари авжида. Боғларда мўл ҳосилнинг ҳаракати. Вазифалар аниқ, ниятлар катта.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Таълим ислоҳоти

ТАРБИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ҲИКМАТИ

ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда тарбия назарияси ва методикасининг роли ҳақида

Ҳар томонлама етук инсон камолотининг энг муҳим ва зарур омилларидан бири тарбиядир. Шу нуқтаи назардан халқимиз тарихига назар ташласак, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан мисли кўрилмаган тарбиявий меросга эга эканлигимизни кўрамиз. Хусусан, ота-боболаримиз дини бўлмиш исломда ҳам, унинг муқаддас китоби бўлган Қуръони каримда, қолаверса «Авесто»да ҳам асосий диққат-эътибор комил инсон тарбиясига қаратилган.

Мамлакатимиз истиқлоли қўлга киритилгач, Юртбошимиз ўзининг илк нутқ ва маърузаларида, шунингдек, биринчи асарлари («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»)даёқ мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарбия масаласини тўғри йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқ эканига алоҳида эътибор берди. Бу борада, «ўз-ўзини англашнинг тикланиши», «ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши», «ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтириш», «ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш» муаммоларини ҳал қилиш педагогика фанининг тарбия назарияси қисмига киради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тараққиётининг асосий беш тамойилини халқ онги ва шуурига сингдиришда, уларни тўла-тўкис амалга оширишда тарбия муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса, бу борада сиёсий тарбия, иқтисодий тарбия, маънавий тарбия, ҳуқуқий тарбия, ижтимоий тарбия, жисмоний тарбия, ақлий тарбия, оила тарбияси ва шу кабилар муҳим аҳамият касб этади.

«Демак, — дейди Президентимиз Ислом Каримов, — **сиёсий-маънавий ислоҳотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойдеворини асослаб беришимиз даркор».** Бу пурмаъно фикрлардан миллий тарбиянинг давлат ва жамият равнақидаги роли, унинг давлат аҳамиятига молик масала эканлиги, қолаверса, уни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозимлиги яққол кўриниб турибди.

Юртбошимиз тарбия билан боғлиқ фикрларини ривожлантириб шундай дейди: **«...миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор».** Дарҳақиқат, амалий тарбия билан оилада ота-она, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тарбиячи-ўқитувчилар, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар, шунингдек, маҳаллаларда ёши улуғлар, спорт жамоаларида мураббийлар шуғулланадилар. Бундан кўриниб турибдики, амалий тарбия — уни татбиқ этиш йўл-йўриқлари, шакллари, усул ва методларидан иборат. Бошқача айтганда, амалий тарбия — тарбия методикасидир.

Президентимиз доимий равишда халқ таълими тизими ходимларини, бутун жамоатчиликни «Мехрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига ёрдам бериш, уларнинг яшаш ва ўқиш шарт-шароитларини яхшилаш, тарбияси ҳақида қайғуришга даъват этиб келмоқда. Уларнинг таълим-тарбияси, турмуш фаолияти билан эса махсус педагогика фани шуғулланади.

Демак, Президентимизнинг барча нутқ ва маърузаларида, асарларида ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш зарурлиги, бу муҳим вазифани тўла-тўкис амалга ошириш борасида тарбия муаммосини ҳал қилиш ғояси турибди. Уни ҳаётга жорий этиш, чуқур қиёсий таҳлил орқали илмий-назарий хулосалар чиқариш педагог олимларнинг зиммасига тушади. Шу ўринда тарбия назарияси ва методикаси ҳамда махсус педагогика ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлаш жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бораётгани илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Ўтган йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Президентимиз асарларида илгари сурилган тарбияшунослик ғояларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва педагог-кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш мақсадида ОАКга тарбия назарияси ва методикаси ҳамда махсус педагогика ихтисослиги бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш ташкил қилиб бериш таклифи билан чиқди. Олий Аттестация комиссияси бу таклифни пухта кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Бугунги кунда тарбияшунос олимлар олдига қўйилаётган бу вазифани бажаришда педагогика олий ўқув юртлари, қолаверса, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси (ОАК) ўрганди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ОАК томонидан кейинги йилларда педагогика, махсус педагогика, психология ва тарбияшунослик фанлари бўйича малакали илмий кадрлар тайёрлаш, бу борадаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш, халқчиллиги ва ҳаётийлигини таъминлаш, миллий тарбияни юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қилиб келинмоқда. Зотан, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тарбия борасидаги талаби ҳам айнан шундан иборат.

ОАК раҳбарияти ушбу эътиқодига содиқ қолиб, юқоридаги таклифни сидқидилдан қўллаб-қувватлади ва шу йил 1 февраль куни Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.18.03. — Бирлашган ихтисослашган кенгаш тузиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарди. Унинг раиси қилиб ёш истеъдодли олим, педагогика фанлари доктори, профессор Мамат Ҳайдаров тасдиқланди. Бирлашган ихтисослашган кенгаш таркиби энг кўзга кўринган 17 нафар олимдан иборат бўлиб, унга Раҳима Мавлонова, Холбой Иброҳимов, Ўсербой Алеуев, Ойниса Мусурмонова, Ботир Қодиров, Жўра Йўлдошев каби профессорлар киритилди.

Мазкур кенгашнинг ташкилий йиғилишида ОАК раиси М.Муҳитдинов иштирок этди ва ҳимоя кенгаш йиғилишларини ОАК низоми талаблари асосида олиб бориш, ҳимоя қилувчига бўлган талаб ва ғамхўрликлар, тадқиқотларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш ва уларнинг илмий-назарий савиясини ошириш учун асосан нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш лозимлиги хусусида маслаҳатлар берди. Шунингдек, у илгари ҳимоя қилинган диссертациялар мавзуларининг икки томчи сувдек ўхшашлиги, маъно-мазмунида фарқ камлиги, айримларида эса мавзунинг долзарблигию унинг ўрганилиш даражасини кўрсатиш борасида қиёсий таҳлилнинг деярли йўқлиги ва шу кабиларни далиллар орқали кўрсатиб бериб, ташкил қилинган янги кенгашнинг бундай камчиликларга йўл қўймаслигини алоҳида таъкидлади.

Тарбия — тараққиёт ҳикмати. Дарҳақиқат, келажаги буюк давлатни барпо этишда, ёшлар онги ва шуурига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда, ҳуқуқий-демократик жамиятни қуришда, шунингдек, ислоҳотларни тўла-тўкис амалга оширишда тарбиянинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Шу маънода тарбия назарияси ва методикаси ҳамда махсус педагогика ихтисослиги бўйича ташкил этилган Бирлашган ихтисослашган кенгаш Президентимизнинг педагогик ғояларини ва тарбиявий тамойилларни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Сафо ОЧИЛ,
педагогика фанлари доктори,
Республика халқ таълими аълочиси

Фармон ва ижро

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган мавқеини ошириш, уларнинг оила, давлат, қолаверса, жамият ривожи йўлидаги саъй-ҳаракатларига кўмак бериш — олдимизда турган энг муҳим мақсадлардан биридир. Бу ўринда Президентимизнинг ўтган йили қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишларда аёлларимиз фаоллигини оширишга қаратилибгина қолмай, жойларда хотин-қизлар ташкилотларининг юксак даражада фаолият олиб боришлари учун муҳим дастуриламал бўлди.

Қуйида Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида бу борада бажарилаётган ишлар, хусусан, оқила, тадбиркор аёлларнинг туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ҳиссалари ҳақида сўз боради.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ҳозирги пайтда туманда 58 минг 228 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 27 минг 150 нафари хотин-қизлардир. Улар қайси жабҳада бўлмасин — дала ишлари ёки фермерлик бўладими, ишлаб чиқариш, таълим ва маданият соҳасими, оилавий юмушлару фарзанд тарбиясими — барчасида фаол иштирок этишяпти. Бугун якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг 371 нафари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётганларнинг 548, таълим соҳасида хизмат қилаётганларнинг 658, фермер хўжалиги раҳбарларининг 48, туман кенгаши депутатларининг 6 нафари хотин-қизлар эканлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Хўш, кейинги пайтларда туманда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича нима ишлар қилинаяпти? Ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида хотин-қизларнинг ўрни, нуфузи қандай бўлмоқда? Умуман, туман хотин-қизлар қўмитасининг олиб бораётган фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиняптими?

Фотима НУРМАТОВА, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилганлиги айни муддао бўлди. Ҳозирги пайтда туманимиздаги 7 та маҳалла ва шунча қишлоқ фуқаролар йиғини қошида маслаҳатчиларимиз фаолият юритаяпти. Бу лавозимларда ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳоли, биринчи навбатда ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъана ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда кўпчиликка ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли, фаол аёллар меҳнат қилмоқда. Жумладан, «Дилором» маҳалласидан Раҳима Абдураҳимова, «Дўстлик» маҳалласидан Зуҳра Исоқова, «Самарқанд» қишлоғидан Сора Эшонқулова, «Пахтакор» қишлоғидан Адолат Шоматовалар баркамол фарзандларни тарбиялаш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда оилада соғлом маънавий муҳитни яратишда бошқаларга ибрат бўлмоқда. Биз уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиш, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада унга амал қилишга эришиш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

Назира МАМАРАҲИМОВА, «Эҳсон» фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермер хўжалигимизнинг 66 гектар ери бўлиб, унда 16 киши деҳқончилик қилади. Ўтган йили 104 тонна пахта, 78 тонна ғалла топшириб, шартномавий режани ортиғи билан бажардик. Йил якунида 9 миллион сўм соф фойда олдик. 2003 йилда «Нексия» автомашинаси, ўтган йилги даромадимиздан эса иккита трактор сотиб олдик. Ҳозир ҳисобимизда 5 миллион сўм маблағимиз бор. Шу йил 25 февралдан 6 мартга қадар Чехияда бўлдим. Бу мамлакат фермерларининг ишлари, ҳаёти менда катта таассурот қолдирди. Тўғриси, улардан ўрганишимиз керак бўлган, улар ҳам

биздан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп экан. Биздаги фермерларга давлатимизнинг эътибори, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирди.

Раъно ЁҚУБОВА, «Раъно» кичик корхонаси раҳбари:

— Туманимизда аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда 26 та хонадонда тикувчилик, касаначилик йўлга қўйилган. Бунда ишлаётган аёлнинг аввало рўзғоридан, фарзандидан кўнгли хотиржам бўлади. Қолаверса, энди у оила, фарзанд ташвишидан ортиб, рўзғорига маълум даражада фойда ҳам келтиради.

Мен ҳам дастлаб касаначилик йўли билан иш бошлаганман. Аста-секин оёққа турдик. Ҳозир кичик корхонамизда 12 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Улар асосан тикувчилик, зардўзлик билан шуғулланишади. Бежирим, ҳам арзон маҳсулотларимизга талаб катта, сўраб келувчилар кўп.

Эльмира САМАТОВА, туман марказий касалхонасининг олий тоифали шифокори:

— Аслида инсон учун энг ноёб бойлик — унинг соғлиги. Жорий йилнинг юртимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинишидан мақсад, соғлом турмуш тарзини ҳар бир оилада қарор топтириш, одамлар ўртасида тиббий маданият тушунчасини кенг тарғиб этишдан иборат. Тўғриси, буни хотин-қизларимиз учун кўрсатилган навбатдаги эътибордир, десам янглишмайман. Негаки, бунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш асосий аҳамият касб этади. Афсуски, туманимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича қилинаётган ишларни етарли, деб айтолмаймиз. Буларни фақат тиббиёт муассасалари ва шифокорларгагина тегишли вазифа, деб қараш хато бўлади. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор олдида хотин-қизлар қўмиталари, фаоллар, ҳар бир киши ўзини масъул билиб, масалага жиддий қарамас экан, олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш қийин кечади.

Мамлакат НОРҚУЛОВА, 31-мактаб-интернатнинг инглиз тили фани ўқитувчиси:

— Мактабимизда 423 нафар ўқувчи бўлиб, уларга 60 нафар ўқитувчи сабоқ бераяпти. Уларнинг аксарият кўпчилиги хотин-қизлардир. Мактабимиз ўтган ўқув йилида «Евроосиё» ҳамкорлик ташкилоти гранти учун ўтказилган танловда иштирок этиб, ғолиб чиққан эди. Сентябрь ойида хориждан ўқув қуроллари, техник жиҳозлар, дарслик ва қўлланмалар олдик. Шу йил бошида ўзим Америкада тажриба ортириб қайтдим. Айни пайтда танлов ғолиби бўлган иқтидорли қизимиз Азиза Раҳмонова АҚШнинг Техас штатида 10-синфда ўқишни давом эттираяпти.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси мустақиллик меваси, юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мевқеини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани шарофатидир.

✧✧✧

Қаерда аёлга нисбатан эътибор, ғамхўрлик кучли бўлса, ўша жойда гўзаллигу орасталик, осойишталигу қут-барака, тараққиёт ва фаровонлик устувор бўлади. Буни пахтакорлик аёлларнинг бугунги турмуши, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштироки, унинг бераётган самарасидан ҳам билса бўлади.

Тўғри, биз туман хотин-қизлар қўмитасининг ҳамма ишлари жойида, муаммолар йўқ, демоқчи эмасмиз. Дейлик, хотин-қизларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, касбий, жисмоний, интеллектуал савиясини юксалтириш билан боғлиқ ишларда камчиликлар, муаммолар оз эмас. Қишлоқларда маиший хизмат турларини кўпайтириш, шу йўл билан аёлларнинг оғирини енгил қилиш, опа-сингилларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасидаги фаолият кўламини кенгайтириш бўйича ҳали кўп иш қилиниши керак.

Аммо бир ҳақиқат аён: хотин-қизлар қўмитаси аниқ дастур асосида ишламоқда. Унинг атрофига оқила, идрокли, тадбиркору ташаббускор аёллар бирлашган. Улар мавжуд муаммоларни ўз вақтида англаб, уларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқларини излашаяпти. Элимизда эса шундай ҳикмат бор: «Интилганга толе ёр».

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хавфли вирус

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 18 мамлакатдаги 4000 та лабораторияга расмий мурожаат қилиб янглишиш туфайли тиббиёт ускуналари тўпламига қўшиб юборилган хавфли вирус намуналарини йўқ қилишни сўради.

1957 йилда дунё бўйича ушбу вирусдан 4 миллионга яқин одам ҳалок бўлган. Вирус 1968 йилга келиб йўқ бўлиб кетганди.

— Вирус мавжуд бўлган тиббиёт ускуналари тўпламлари бир неча ой давомида Америка патология институти томонидан бошқа лабораторияларга юборилган.

Мутахассислар вирус террорчилар қўлига тушиб қолишидан хавотирда.

Қурилишга қарши

Хитойнинг Чжэнзян музофотида полиция билан деҳқонлар ўртасида рўй берган тўқнашувлар натижасида деҳқонлар Хуаси қишлоқ маъмуриятини қўлга олишга муваффақ бўлишди.

Сенганнинг The South China Morning Post газетаси маълум қилишича, намойишчилар қишлоқ яқинида бир неча кимёвий завод қурилишига қаршилик кўрсатишган. Деҳқонлар кимёвий корхоналар билан шартнома тузган маҳаллий маъмурият хизматчиларини қувиб юборишди. Айни пайтда қишлоқ бошқаруви маҳаллий жамоатнинг норасмий етакчилари қўлида.

Кимга аза, кимга маза

Ўтган йилнинг охирида Жанубий Осиёда рўй берган денгиз тўфони инсоният тарихидаги энг йирик табиий офатлардан бири бўлди. Дунё ҳамжамияти тўфон оқибатларини бартараф қилиш учун қўлдан келганини қилмоқда. Бироқ шу жараёнда ҳам пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган кимсалар бор.

Қалбаки инсонпарвар ташкилотлар интернет сайтлари ёрдамида тўфон оқибатларини бартараф этишга кўмаклашмоқчи бўлган шахсларни фирибгарлик йўли билан Таиландга таклиф қилишади. Интернет сайтлари орқали гўёки қандайдир лойиҳага таклиф қилинган шахслар мамлакатга келгач, ҳеч қандай лойиҳа йўқлигини англаб қолишмоқда.

— Мен интернетда ёрдам сўраб мурожаат қилган ташкилот сайтига дуч келдим, — дейди Манчестер университети талабаси Керри Дунстан. — Дугонам билан бу мурожаатга жавоб берсак университет дастурларидан биримизни яхшироқ ўзлаштириб оламиз деган мақсадда лойиҳага қўшилиш ҳақида хат ёздик.

Барча харажатларни ўз бўйнига олган икки талабани ваъда қилинганидек Пхукет аэропортида кутиб олишди. Икки соатдан кейин уларни тиклаш ишлари олиб борилаётган бир қишлоққа олиб келишди. Уларга ҳамроҳлик қилган кимсалар қизлар бугун шу ерда тунаб қолишларини ва эрталаб яна учрашишларини айтиб, уларнинг бор пуллари ва ҳужжатларини олиб кетишади.

— Бу кимсалар эрталаб қайтиб келишмади. Суриштирсак ҳеч қандай лойиҳа йўқ экан, — деди Керри.

Орадан икки кун ўтгач, инглиз тилида гаплаша оладиган одам топилди. У қизларни ҳақиқий инсонпарварлик ташкилотларидан бирига олиб борди.

— Бу ерда кўплаб ташкилотлар пайдо бўлгани сабабли уларнинг қай бири ҳақиқий эканини айтиш қийин, — дейди Tsunami Volunteer Center ташкилоти раҳбари Брижет Чанк.

Таиланд полицияси фирибгарлик ҳолатлари бўйича тергов ишларини бошлаб юборганлигини маълум қилди. Бироқ полиция вакилларининг хабар беришича, қалбаки ташкилотлар сайтлари орқасида ким турганлигини аниқлаш жуда мушкуллиги туфайли жиноятларни очишга қийинлашмоқда.

Баъзи фирибгарлар тўфон натижасида ҳалок бўлган одамларнинг банк ҳисоб рақамлари ва кредит карталарига эгалик қилиш учун уларнинг ҳужжатларини ўғирлашаётган бўлса, яна айримлари ўзларини изқувар сифатида таништириб мўмайгина пул эвазига одамларнинг йўқолган қариндошлари ва мулкини топиб беришни ваъда қилар экан.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади

Мажбурлаш тақиқланди

Саудия Арабистонининг олий диний ҳукумати аёлларни хоҳишига қарши эрга беришни тақиқлади. Бу тақиқ Саудия Арабистонида аёллар ҳуқуқи учун курашаётганларнинг ғалабаси бўлди.

Олий муфтий Абдулазиз аш-Шайх мажбуран оила қуриш ислом ҳуқуқига зид эканлиги ва энди бунга амал қилмаганлар жазоланиши кераклигини айтди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда ажрашиш кўрсаткичларининг юқорилиги кўплаб оилалар хоҳишга қарши қурилаётганидандир.

Танқислик ўсиб бормоқда

АҚШда истеъмол товарлари ва саноат маҳсулотлари импорти ошганлиги мамлакатда савдо танқислиги юқори даражага чиққанидан далолат бермоқда.

АҚШнинг савдо балансида харажатларнинг даромаддан ошиб кетиши 61 миллиард долларни ташкил этди.

Танқислик ўсиши мамлакат иқтисодиётининг импортга нисбатан ўчлиги билан изоҳланмоқда. Маълумотларга кўра, импорт кўрсаткичлари 1,6 фоизга ўсган бўлса, Америка товарларининг экспорти 0,1 фоизни ташкил этди.

Шунга қарамай, Америка иқтисодиётининг импортга, айниқса, автомобиль, электрон ва саноат материалларига бўлган «иштаҳа»си сўнгани йўқ.

Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи

«САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

ўз акциядорларига 2005 йил 14 май соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уйда 2004 йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. «Савдогарбанк»нинг 2004 йил фаолияти натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банк фаолиятининг 2005 йилги асосий вазифалари тўғрисида.
2. «Савдогарбанк»нинг 2004 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ва 2004 йилдаги харажатларини тасдиқлаш тўғрисида.
3. «Савдогарбанк» Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. 2005 йилга «Савдогарбанк»нинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида.
5. «Савдогарбанк» кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
6. «Савдогарбанк» бошқаруви таркибини тасдиқлаш ва банк бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида.
7. Банкнинг 2004 йил фаолияти бўйича дивиденд тўлаш тўғрисида.
8. Турли масалалар.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 14 апрель ҳолатига тузилиб, акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорлар қайд этилган манзилда соат 8.30 дан 9.45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар тегишли маълумотлар билан «Савдогарбанк» Марказий девонида танишишлари мумкин.

Маълумот олиш учун телефонлар: 54-18-65, 133-72-07

«САВДОГАРБАНК» КЕНГАШИ

Ўзбекистон ифтихорлари

«ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛТИН КАМАР БИЛАН ҚАЙТАМАН»

9 апрель куни Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ Тошкент — Франкфурт авиайўналиши бўйича Германияга йўл олди. Пойтахт халқаро аэропортида уни ёру-биродарлари кузатиб қолишди. Имкониятдан фойдаланиб у билан суҳбатлашдик.

— Муҳаммадқодир, аввало охирги жангингиз ҳақида маълумот берсангиз. Эшитишимизча, шу учрашувдан сўнг сиз билан янги шартнома тузилибди.

— Энг сўнгги жангим, яъни қитъалараро чемпионлик камаримни ҳимоя қилиш учун аргентиналик Хуан Алберто Гадойга қарши рингга чиқишдан олдин промуотерим Дедмар Коль билан гаплашгандик. Ўшанда у Гадой кучли боксчи эканини, гарчи икки бор мағлубиятга учраган бўлса-да, бир марта ҳам нокаутга тушмаганини айтар экан: «Сен шу нарсанинг уддасидан чиқсанг, янада каттароқ шартнома тузамиз», деганди.

Худога шукур, мен қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритганимдан сўнг, деярли бир йил, аниқроғи, 2004 йил 10 апрелдан бери рингга чиқмаган бўлсам-да, рақибимни 3-раунддаёқ нокаутга учратиб, олтин камарни ўзимда сақлаб қолдим. Буни кўрган Дидмар ва Питер Коллар WBO йўналиши бўйича чемпион пуэрто-риколик Мигель Анхел Коттонинг промуотери Тўп Лан билан музокарага киришганди. Яқинда Германияга қайтиб борсам, бир ҳафта ичида катта янгилик бўлишини билдиришди. Сабрсизлик билан кутдим. Кейин мени катта шартнома билан табриклашди.

— Мухлисларингиз яхши билишади, сиз Сидней олимпиадасида Котто билан учрашиб ғолиб чиққан эдингиз. Профессионал боксга ўтгач, у билан ҳеч учрашганмидингиз?

— Йўқ. Бундай бўлишини кутмагандим ҳам. Мен кучли рақибларим деб — Рикардо Уильям билан Бокадони билардим. Буни қарангки, омади чопиб, Котто чемпион бўлди-ю, асосий рақибимга айланиб қолди. Ўйлайманки, қандай ҳолатда бўлмасин Коттони иккинчи бор яна мағлубиятга учратиб, Президентимизга, халқимизга берган ваъдамнинг устидан чиққан ҳолда Ўзбекистонга олтин камар билан келаман.

— Мигелга қарши қандай усул қўлламоқчисиз? Ҳар қалай у ҳам сиз каби яқин масофадан туриб жанг қилади...

— Тўғри. Лекин бу нарса биринчи раунддан сўнг янада ойдинлашади. Қолаверса, биз яна бир неча кундан кейин сўнгги тайёргарликни ўташ учун Лос-Анжелес ёки Лас-Вегас шаҳрига борамиз. У ердаги машғулот жараёнида мураббийим бўлажак рақибим жанглари ёзилган видеокассеталарни диққат билан кўздан кечиргач, бир хулосага келамиз.

Шу йил 11 июнь куни Нью-Йоркдаги дунёга машҳур «Мэдисон Сквер Гарден» спорт саройида ҳамюртимиз Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ профессионал бокс бўйича биринчи ярим ўрта вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги учун рингга кўтарилади

— Чап қўлингиз жароҳатланган эди. Ҳозир безовта қилмаяптими?

— Худога шукур. Ҳозирча яхши. Сўнгги жангимда ҳам буни сезмадим. Жароҳатимдан хабари борларнинг бари «Яратган шифосини берсин», дея дуо қилишибди. Уларнинг самимий тилаклари ўз ижобатини топди деб ўйлайман.

— Муҳаммадқодир, бу жароҳат қачон содир бўлганди?

— Ўтган йил ёзда навбатдаги рейтинг жангимдан сўнг, клуб билан муносабатимиз бироз узоқлашганди. Кейин мен Афина олимпиадасига тайёргарлик кўраётган ҳаваскор боксчиларимиз билан Ўзбекистонда машғулотларни давом эттирдим. Билмадим, одамларнинг назари ўтдими, ҳар қалай жуфтликда ишлаётганим (Шерзод Хусанов билан — *муаллиф*)да чап қўл тирсагимда оғриқ сеза бошладим. Ҳа деганда, босилмагач, шифокорга бордим. Жиддий текширувлардан сўнг, андижонлик шифокорлар операция қилишди. Мен бу борада ўз ишининг устаси бўлган профессорлар — Дилшод ака Осмонов, Неъмат ака Ҳакимовлардан чексиз миннатдорман. Улар мени: «Агар чап қўлинг билан рақибингни йиқитсанг, бу бизнинг жарроҳлик бўлими ходимларининг зарбаси бўлади», дея кузатиб қолишди.

— Ака-ука Владимир ва Виталий Кличколарнинг мураббийи Фринц Зудунек қўли остида қачондан бошлаб машғулот олиб боряпсиз?

— Америкалик Кенни Адамс билан ҳамкорликни якунлаб, икки ойдан буён Фринц билан бирга ишлаяпман. Қолаверса, Артур Григорян ҳам расман мураббийликни бошлади. Мен унинг биринчи шогирдиман. Билмаган услубларимни бу икки устоз-шогирд ўзаро ҳамкорликда менга ўргатишяпти. Менимча, натижаси яхши бўлади.

— Муҳаммадқодир, Хуан Алберто Гадойга қарши олиб борган жангингиздан кўнглингиз тўлдими?

— Гарчи чиройли жанг қилмаган бўлсам-да, учинчи раундда ютишим мен учун катта имконият бу. Негаки, салкам бир йил жароҳат сабаб рингга чиқмагандим. Унинг устига эътибор берган бўлсангиз, рақибим бир қадар ёш, аммо анча тажрибали, олтин камар ишқида ёниб турганди. Мен жангим ёзилган видеокассетани бир неча бор қайта кўриб, хатоларимни англадим. Насиб этса, бу масъулиятли курашда қўл келади.

— Адашмасам, Сиз кейинги вақтда «Шаҳзод» гуруҳи ижросидаги қўшиқ остида рингга чиқишда давом этяпсиз...

— Ҳа, асосан Рашид Холиқовнинг «Эй, азиз юртим» қўшиғи билан рингга кўтарилаяпман. Миллий куй-қўшиғимизни эшитсам, руҳим кўтарилади, қувват оламан.

— Муҳаммадқодир, Германиядаги жангингиз вақтида гавдангизда қандайдир ранглар бор эди. У нимани англатади?

— Биласиз, профессионал боксда спортчилар ҳаракатига мос бир ном билан ҳам аталишади. Ҳозир менга «чаён» (бир вақтлар ҳаваскор боксда унга «танк» номини беришганди — *муаллиф*) номини беришган. Қолаверса, чаён буржида туғилганман ҳам. Хуллас, кўринишимнинг ўзгаришига сабаб шу.

— Билишимизча, Қувончбек Тайғонбоев ҳам «Универсум бокс промушен» клубига ўтмоқчи экан...

— Ҳа. Қувонч уч-тўрт кун аввал Германияга кетди. Биз унинг истеъдодли спортчи эканини раҳбарларимизга айтгандик. Бу истагимиз натижасиз қолмади. Насиб этса, у ҳам яқин кунларда клуб билан шартнома тузади.

— Муҳаммадқодир, сиз Олимпия чемпиони сифатида ҳаваскор боксда ғурур билан, ишонч билан фаолиятингизни давом эттиришингиз мумкин эди. Профессионал боксга ўтганингиздан афсусда эмасмисиз?

— Тўғри, қийин, албатта. Мен аввал бунчалик машаққатли бўлишини, Ватандан узоқда азоб чекишимни тасаввур ҳам қилмагандим. Ёшлик қилиб, ўйламай шартнома тузгандим. Бизда яхши биласиз, ўғил бола, ўзбекчилик, ғурур, деган тушунчалар бор. Бирор-бир мақсадда қадам қўйдингми, орқага қайтиш йўқ. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, имкон қадар профессионал боксда ҳам жаҳон чемпиони бўлиб, ёруғ юз билан Ўзбекистонга келаман. Агар ёшлик қилиб ваъда бермаганимда, балки 2004 йил Афинада яна олимпиада чемпиони бўлармидим...

— Муҳаммадқодир, эрта тонгда юртимизнинг ўзига хос остонаси бўлган аэропортда турибмиз... Бу жой ҳам муқаддас даргоҳ. Халқимизга айтадиган қандай гапларингиз бор.

— Яхши ният билан Германияга кетяпман. Шу ердан хурсандчилик билан қайтиб, шундай кайфиятда қайтиш кўп қатори менга ҳам насиб этсин, дея Яратгандан сўрайман. Барча муҳтарам ота-оналарни отам-онам дейман. Аввало худо, қолаверса, халқимиздан, илтимос қиламан, дуо қилиб туришса, 11 июнда албатта, ғолиб чиқаман.

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди

* * *

Суратда: ўзбек бокси юлдузлари Икром Бердиев (чапда) ҳамда Муҳаммадқодир Абдуллаев.

Хотира

ШОИР НОМИДА БОҒ ЯРАТИЛДИ

Марҳамат тумани ҳокимлиги ташаббуси билан халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф туғилиб ўсган Қовунчи қишлоғида кўркам боғ яратилди. Шоирнинг номини абадийлаштириш мақсадида унга Муҳаммад Юсуф номи берилди.

Боққа икки минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, атрофи ободонлаштирилиб, гулзорлар барпо этилди. Келгусида боғ бағрида Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи музей ва кутубхона қуриши режалаштирилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ГИППОКРАТ ВОРИСЛАРИ

Кетма-кет олиб келинган икки нафар беморга кўрсатган зарур муолажалардан хориб чиққан Феруза Бакрадзе эндигина ўз хонасига кираётган ҳам эдики, «тез ёрдам» ҳамширалари замбилга ётқизилган бир аёлни реанимация хонасига шошилиб олиб кириб кетишаётганини кўрди. Ҳамширалардан бири «Феруза опа, Феруза опа, тезроқ, тезроқ» деб чақирганини эшитди-ю, ортларидан югурди.

— Александра Петровна Зинченкоку! — беморни таниди у. — Яна келибди-да... Яна инфаркт-миокард... Ўктамжон, Баҳодир, — юзланди у, ҳамкасблари Ортиқов билан Маматқуловга, сўнгра ҳамшираларга буюрди, — қани, бошладик... Бу галгиси оғир хили, қаранг, юзида ҳаётдан нишона йўқ. Беморнинг аҳволи оғир, юрак уриши секинлашиб, борарди.

«Жанг» бошланди... Чаққон қўллар... жиддий нигоҳлар... изоҳсиз имо-ишоралар... сукунат...

Уч соатча давом этган муолажадан сўнг юрак қайта ура бошлади, бемор ўзига келди, тилга кирди... Ниҳоят врачлар юзига ҳам қизиллик югуриб, пешоналаридан сизиб чиққан тер томчилари чироқ нурларида гавҳардек ялтиллай бошлади.

— Ҳар кун, ҳар тунимиз шу, — дейди соддагина қилиб Феруза Мафисовна. — Устозларим айтишарди: юрак хасталигининг «тажовузи» маккор, қон босими кўтарилиши «найранг»ли бўлади, сал кечиксанг тамом, деб. Кечикишга ҳаққимиз йўқ. Ҳаммамиз Гиппократ қасамёдини қабул қилганмиз. — Шифокорлик шарафини улуғлаб, унга бир умр содиқ қоламан... деганмиз.

Пойтахтимизнинг авиасозлар шаҳарчасидаги И.Эргашев номли шифохона реанимация бўлими мудири, олий тоифали шифокор Феруза Бакрадзенинг эгнида 20 йилдирки, оқ халат. У бошчилик қилаётган бўлимда ҳозир 25 нафар тиббиёт ходими аҳоли сиҳат-саломатлиги йўлида кеча-кундуз хизматда. Юқоридаги лавҳамизда ҳикоя қилинганидек, шошилинч кезлар уларнинг ҳар бир иш куни учун одатий ҳол... Илоҳо, қўллари дард кўрмасин.

Исмоил ТЎЛИСБОЕВ

Суратда: Феруза Мафисовна (ўртада) ҳамкасблари билан.

Муаллиф олган сурат

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

«Ҳеч бўлмагандан — кеч бўлгани яхши». «Одамларга яхшилик қилишнинг, эзгу, хайрли ишлар қилишнинг эрта-кечи йўқ. «Э аттанг, энди вақти ўтиб қолди-да», деб ўтирма, кейин бўлса ҳам, кечроқ бўлса ҳам, яхшилигингни, яхши ишларингни қилавер!» дейилмоқчи.

ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАС

«Сунган бўйинни суғурилган қилич кесмас» (Бу билан: «Киши мағрурлик, такаббурлик билан кеккайиб, «айтганим — айтган, деганим — деган» деб, ўжарлик, гожлик қилмай, бундоқ «пастроққа тушса», ўзини нечоғли камтар тутса, ширинсуҳан бўлса, бировнинг айтганига кўнса, ҳар қандай қаҳри қаттиқ одамнинг ҳам кўнглини ўзига нисбатан ийдира олади ва ҳар қандай хавфли, мушкул ҳолатдан ҳам омон-эсон, бешикаст-бенуқсон қутулиб кета олади», дейилмоқчи).

Спорт

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ

Урганч Давлат университети спорт саройида дзюдо бўйича талабалар ўртасида II Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган икки юз нафардан ортиқ курашчилар етти вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

— Нуфузи йилдан-йил ортиб бораётган мазкур мусобақада юртимизнинг кўзга кўринган талаба-спортчилари иштирок этишди, — дейди мусобақа бош ҳаками Абдуваҳоб Қўйсинов. — Натижалар шуни кўрсатдики, спортнинг ушбу турини ривожлантириш, иқтидорли дзюдочиларни тарбиялашга Хоразм, Жиззах, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида катта аҳамият берилмоқда. Афсуски, чемпионат баҳсларига Сурхондарё, Самарқанд, Андижон вилоятлари, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти, Тошкент Давлат Аграр университети талаба-ёшларининг ташриф буюрмаганликлари мутахассисларни ранжитди.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувларда Эркин Қодиров (60 кг., Тошкент), Акром Абдуллаахатов (73 кг., Жиззах), Мадамин Рўзметов (73 кг.), Нурбек Искандаров (81 кг.), Алишер Курёзов (90 кг., барчаси Хоразмдан)лар ўз вазн тоифаларида олтин медаллар билан тақдирланди.

Эркин ХОЛБОБО

ТАЙСОН РИНГГА ҚАЙТМОҚДА

Афсонавий боксчи Майк Тайсон яна рингга кўтарилиш ниятида. Яқинда ўтказилган матбуот йиғилишида Тайсон ва унинг иш юритувчиси Марти Уинн ана шу ҳақда маълумот берди. Тайсон 11 июнь куни Вашингтонда ирландиялик Кевин Макбрайга қарши жанг қилади. Маълумки, «Темир Майк» сўнгги марта 2004 йилнинг 30 июль куни англиялик Дэнни Уильямс билан рингга чиқиб, учрашувнинг тўртинчи раундида нокаутга учраган. Майк Тайсон ҳозир 38 ёшда, у умри мобайнида 57 та учрашувдан 50 тасида (44 марта нокаут) ғалаба қозонган. 5 та жангни бой берган ва 2 та учрашув натижасиз якунланган. Тайсон бокс тарихида ўта оғир вазнлилар орасида энг ёш — эндигина 20га кирганда 1986 йили Тревор Бербикни нокаутга учратиб, мухлисларни ҳайратга солганди. 1996 йили эса Эвандер Холифилдга ютқазиб, унвонини бой берган. Тайсоннинг рақиби Макбрай 31 ёшда бўлиб, жами 36 та жангнинг 32 тасида (27 тасида нокаут) ғалаба қозонган.

Газетанинг навбатдаги сони 19 апрель сешанба куни чиқади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ангор тумани «Новшаҳар» ширкат хўжалигидаги қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда реконструкция қилиш. **Бошланғич нархи — 42,0 млн. сўм.** Қурилиш муддати — 150 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел.: 2-49-71, 2-49-80, 2-49-77, 2-49-75 ф.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8 37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуот чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: *Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.*

ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ НАШР

Апрель ойидан бошлаб Андижон вилоят прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ сабоқлари» ҳафтаномаси чоп этила бошланди. Ҳуқуқий-ижтимоий, бадиий, оммабоп нашрнинг илк сонини газетхонлар илиқ кутиб олди. Айниқса, «Прокурор минбари», «Жиноят фош этилди», «Фелеьтон ўрнида» каби рукнлар остида берилган материаллар кўпчилик эътиборини тортмоқда.

Андижонлик муштарийлар фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга хизмат қиладиган яна битта газета пайдо бўлганидан хурсанд.

Эркин ОХУНЖОНОВ

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ» ОАЖ

ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДАГИ ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 09.

Умумий мажлис тури — навбатдан ташқари.

Мажлисни ўтказиш тартиби — очиқ.

Мажлисни ўтказиш санаси — 2005 йил 11 апрель.

Ўтказиш жойи — Тошкент шаҳри, Мусахонов 2-тор кўча, 33.

Мажлис кворуми — 65,05 фоиз.

Кун тартибида овозга қўйилган масалалар ва у ҳақда қабул қилинган қарорлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги №ПП-29 сонли қароридан келиб чиқадиган вазифалар.

Овоз бериш натижалари: «ёқлаганлар» — 4 209 922 овоз, 99,98 фоиз, «қаршилар» — йўқ, «бетарафлар» — 800 овоз, 0,02 фоиз.

Қарор: Ўзбекистоан Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги № ПП — 29-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Овоз бериш натижалари: ёқлаганлар — 4 209 922 овоз, 99,98 фоиз, қаршилар — 800, 0,02 фоиз, бетарафлар — йўқ.

Қарор: Жамият Уставидаги ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

«6.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги № ПП — 29-сонли қарорига кўра, акциялар қуйидаги тартибда тақсимланади: Давлат улуши — 51 фоиз...»

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи Фарҳод Хидировга акаси **Абдулазим ХИДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 354

9389 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 21.15
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda